

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№87 (6.612). Sotuvda erkin narxda

BUGUNGI SONDA

САХНАДА ХАМ, ҲАЁТДА ХАМ



ФИДОЙИ ЭДИ

(1-4-саҳифаларда)

ХАЗИНАНИНГ КАЛИТИ

(1-2-саҳифаларда)

ИБРАТ



(1-3-саҳифаларда)

Даладаги чой - роҳатижон



Дарҳақиқат, шундай. Саратон офтобда яғрини терлаб ишлагач, шундоққина уватинг буйида ўтириб, кумғонда қайнаган чойдан ичишинг гаптини сиз деҳқондан сўранг. Бундай лаҳзаларда еган бир бурда ноғуно оддийгина таоми ҳам беҳад лаззатли туюлади унга. Жазирама иссиқда лоҳасланган вужуди ором олиб кўнглига хушнудлик инанади. Шу тариха бир муддат ором олган заҳматқаш деҳқон яна ғайрат-шижоат билан меҳнат кучоғига шўнгийди.

СУРАТЛАРДА: Андижон туманидаги И. Тожиддинов номи ширкат хўжалиги галлакорлари ва Олтинкўл туманидаги "Андижон" ширкат хўжалигининг 1-пудратчилар жамоаси ишдан сўнг хушқайфият билан тушлик қилишмоқда.

Суратлар муаллифи Х.АРАББОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

9 июл куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси иккинчи босқичининг тақдими бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Шериклик ва ҳамкорлик битими қотибяти томонидан уюштирилган тадбирда мазкур битимни ҳаётга татбиқ этишга ва Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши буйича музокаралар жараёнига дахлдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Хозир Европа Иттифоқи комиссияси EuroAid дастури доирасида Шериклик ва ҳамкорлик битимини ҳаётга жорий қилиш лойиҳасининг иккинчи босқичини амалга оширмоқда. У мамлакатимиз вазирлик ва идоралари билан Еврокомиссия ташкилотлари ўртасида Ўзбекистондаги қўнунчиликни Европа Иттифоқи қўнунчилигига яқинлаштириш борисида икки томонлама алоқаларни таъминлашга қўмақ беришни кўзда тутди. Бу борада парламентлараро ва сиёсий мулоқотларни кенгайтириш, ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик, молия, савдо ва сармоя бозорини ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш масалаларида икки томонлама алоқаларни қўллаб қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирдан қўзланган мақсад иштирокчиларни мазкур битимни ҳаётга жорий қилиш жараёни ҳамда унинг қоидалари билан атрофлича таништиришдан иборат. Шу мақсадда Шериклик ва ҳамкорлик битими қотибяти мутахассислари лойиҳани амалга оширишда танланган стратегия ва эришилган ютуқлар, лойиҳанинг биринчи ва иккинчи босқичлари, EuroAid дастури фаолиятининг асосий йўналишлари, жумладан, Ўзбекистон қўнунчилигини Европа Иттифоқи қўнунчилигига яқинлаштириш, савдо сиёсати ҳамда маъмурий ислохотларга атрофлича тўхтади.

Тадбирда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда танланган умумий стратегияси, Шериклик ва ҳамкорлик битимини ҳаётга жорий қилишнинг ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган механизмлари ҳақида кенг маълумот берилди.

(У.А.)

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Болалар камолида ота-она билан бирга мураббийларнинг ҳам тугган ўрни қатта. Жумладан спорт мураббийларининг ҳам.

МУРАББИЙЛАР МАШҒУЛОТ

ЎТКАЗАЯПМИ?

Шу ўринда ширкат хўжаликларидаги спорт мураббийлари фаолиятига тўхтаб қолмас. Негаки, собиқ шўро давридаги спорт инструкторлари ўз қишлоқларида асосан раис буванинг айтган ишини қиладиган, дала ишлари, чорва масаласи буйича аллақайси бригадага вақил сифатида югурадиган, ўзи маъмул соҳа буйича эса сохта маълумотнома тўплаб, туман спорт қўмитасига топшириш билангина машғул эди.

Афсуски, бугунги кунда давлатимиз раҳбари спортга, хусусан болалар спортига эътибор билан қараётган бир даврда ҳам айрим ширкат хўжаликларида иш эскича услубда давом этаётир. Қишлоқдаги спорт мураббийлари болалар учун спорт тўғрисидаги ташкил қилиш, улар ўртасида мусобақалар ўтказиш, мавжуд спорт иншоотларини талабга жавоб берадиган даражага келтириш буйича хўжалик раҳбарига таклиф билан чиқишни негадир ўзларига эп кўрмадилар.

Ақсарият жойларда спорт мураббийлари номигагина ташкил қилинган бўлса, баъзи хўжаликларда умуман спортга алоқаси бўлмаган кишилар мураббийлик қилишяпти.

Шундай шароитда қишлоқлардаги спорт мураббийлари замон талаби асосида ишлаш оладиларми? Балки уларнинг ишини янгича йўналишда ташкил қилиш керакдир? Спорт мураббийларини ширкат хўжалигига эмас, туман болалар спорти буйича мутахассисга бўйсунадиган вазифага айлантириш лозимдир?

Зеро, мактабдаги ўзги машғулоти тугаб, ёғи таштил даврида қишлоқларда спорт мураббийларининг иши айни қизғин бўладиган палла. Аммо мураббийлар ҳамон хўжалик юмушлари билан банд. Демак, уларнинг ишини янги йўсинда ташкил этмок вақти келди.

У.ТОЖИМУРОВ

ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ ШАРТ!

Сўнгги пайтларда шартнома, шартномавий муносабатлар, деган тушунчалар бот-бот такрорланиб турибди. Ва шубҳасизки, бу жараён қишлоқ хўжалиги соҳасида фаол кузатилади. Шартнома, аввало, томонлар манфаатларини қўзлаган ҳолда амалга оширилади. Унинг замирида эса қай ҳолатда тузилишидан қатъи назар, ишнинг бажарилиши асосий ўринда туради. Қишлоқ хўжалигида шартнома интизомини мустаҳкамлаш иқтисодий ўсишга хизмат қилади. Мулкчиликнинг ўзгарганлиги, ҳозирги кунда фермерликка берилаётган эътиборни, қолверса, иштиники ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, шартномавий муносабатлар буйича ҳуқуқ ва манфаатларнинг ҳимоя қилиниши давр талабларидан биридир.


Шартноманинг ўзи нима? Аввало шунга тўхталиб ўтасак.

Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик Кодексининг 353-моддасида шартномага таъриф бериб ўтилади. Шартнома икки ёки бир неча шахслар ўртасида тузилиши мумкин. Шартнома ўзаро келишувга мувофиқ амалга ошириладиган жараёнлар. Ундаги шартлар бажарилиши шарт. Шартноманинг кучи ҳам шунда. Ҳўш, шартнома қилганларнинг ҳаммаси ҳам унга амал қилаяптимики?

Жиззах вилояти адлия бۆшқармасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш" бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси Бозор Ортиқбоевнинг айтишича, вилоятда шартнома интизомини бузиш ҳоллари анчани ташкил этар экан. Бундай ҳолатлар айниқса, вилоят "Пахтасаннат"

ЛАФЗ

ҳудудий бирлашмасига қарашли пахта тозалаш корхоналарида, "Жиззахдон маҳсулотлари" тизимида, "Нефтьмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар билан тузиладиган шартномаларда кузатилади. Жорий йилнинг 5 ойи давомида 390 та шартномада шартларнинг томонларнинг ў ёки буниси интизомни қўпол равишда бузиб, шартнома интизомига амал қилмаган. Демак, томонларнинг бири иккинчисини олдида жавобгар. Шу боис, вилоят адлия бۆшқармаси томонидан шартнома интизомини бузган хўжалик юритувчи субъектларга, уларнинг раҳбар ва бошқа маъсул мансабдор шахсларига нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари кўрилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 8 июл куни Оксфордда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Нидерландия Кириллги ташки ишлар вазири Яап де Хуп Шефферни қабул қилди.

Тошкентда Икки томонлама ҳамкорлик буйича Ўзбекистон-Қирғизистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Юнусов ҳамда Қирғизистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Бозорбой Мамбетов раислик қилди.

Маданият ишлари вазирлигида кенгаш аъзоларининг «Нихол-2003» мукофотига номзодларни кўриб чиқиш ва мукофотни топириш маросимига бағишланган тантанали таъйиғарлик кўриш буйича йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий университетида мазкур олий таълим даргоҳи ташкил этилганнинг 85 йиллигига бағишлаб, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида анжуман ўтказилди.

Мирзачўл туманидаги «Галаба» фермер хўжалигида кунига 50 тоннагача ун ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди.

Қарши тумани галлакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажарди. Қабул пунктларига 32 минг 940 тоннадан зиёд дон етказиб берилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳар муниципал биржаси 22 ким ошди савдоси, 1 танлов ва 88 биржа савдосини ўтказди.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг агрономия кафедраси ҳузурида сугориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш ва мўл ҳосил этиштиришга қўмаклашувчи «Агроталим» ўқув илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил қилинди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида магистрларнинг битириш маросими бўлиб ўтди. Юқоричирик туманидаги Дўстлик ширкат хўжалигида «Мафтункор ранглар дўниси» анъанавий танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент вилоятидаги «Меҳржон» оромгоҳида «Агроистеъод-2003» ёғи мактаби фаолият курсата бошлади.

ТОШКЕНТ. (У.А. муҳбири Лутфулло Сувонов). Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металллар парчалари ва чинкидиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш буйича республика комиссиясининг олти ойлик иш якунлари бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, ушма, ҳудудий божқару органлари, иқтисодиёт металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шугулланувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»: ОЛТИ ОЙ САРҲИСОБИ

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди. Корхонанинг бир маромда ишлаши мамлакатимизда олиб борилаётган қурилишлар, хусусан, барпо этилаётган замонавий академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларини қурилиш амурауларини билан, тоғ-кон саноати майдонда тегириқларини эса пўлат зағдирлар билан узлуқсиз таъминлаш имконини беради. Мамлакатимиз ҳукумати Бекобод металлургияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу мақсадда қора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш, қайта ишлашга топшириш билан шугулланувчи корхона ҳамда ташкилотларни сафарбар этиш, уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хомашё харид нарҳлари ҳам кейинги бир йил мобайнида анча оширилди.

Корхона йиғилишида рангли металл парчалари тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Бу борадаги ярим йиллик режа ортиги билан удаланди. Утган давр мобайнида корхонанинг экспорт ҳажми ошди. Йиғилишда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига зарур кўрсатмалар берилди. Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзакўлов иштирок этди.

ПАРРАНДАЧИЛИК: МУАММОЛАР ЕЧИМИ БОР!

Мамлакатимиз аҳолисининг парранда маҳсулотларига бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда.

Аммо мавжуд паррандачилик корхоналари тўлиқ эҳтиёжимизни қондиrolмапти. Бу соҳани ривожлантириш, парранда гўшти ва тухум этиштиришни қўлайтириш борасида 1999 йил сентябр ойида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам эълон қилинган. Утган уч йил мобайнида тармоқда қатор ижобий ишлар борилади. Би-роқ корхоналаримиз аҳолига меъёрий равишда талаб этиладиган парранда маҳсулотларини етказиб берилаётгани боис АҚШ, Туркия давлатларидан савдо тармоқлари орқали келтириляпти.

Келинг, маълумотларга эътибор берайлик: 2002 йилда республикамизда 25 миллион 271 минг аҳоли сони рўйхатга олинган. Мутахассислар фикрича, ҳар бир киши йил давомида 7,5 килограмм парранда гўшти, 215 донна тухум истеъмол қилиши керак. Амалда-чи? Одам бошига ўртача 300 граммдан товуқ гўшти, 60 доннадан тухум тўғри келаяпти.

(Давоми 2-бетда)

КОНУН ВА ИЖРО

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида солиқ тизимининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор.

Жумладан, давлат хазинасини мунтазам маблағ билан таъминлаш борасида бу соҳанинг хизматларини таъкидламоқ жоиздир. Қолаверса, солиқ тўловлари ва тушумлари пулнинг айланishi мунтазамлигини таъминлаб,

ИШДА МАСЪУЛИЯТ КЕРАК

аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилашга хизмат қилади. Лунда қилиб айтганда, тўланаётган солиқлар халқ зарурати учун ишлатилади. Шунингдек, соҳани тақомиллаштиришда унинг ишларини маромда олиб бориш учун ҳукуматимиз томонидан қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилгандир.

«Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарор ҳам айни шу соҳага тааллуқлидир.

(Давоми 2-бетда)

ҚУВАСОЙ ЦЕМЕНТИГА ТАЛАБГОР КЎП

«Қувасойцемент» акционерлик жамиятининг Фарғона водийсида салобатли ўрни бор. Саноатчилар бу даргоҳ номини фахр билан тилга олишади. Айниқса, мустақиллик йиллари акционерлик жамияти учун ҳам улғайиш, мустаҳкамлашни ва сифатли маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиш даври бўлди. Корхонага таширф буюрган киши у жойдаги тартиб-интизомни, обо-

ЖАРАЁН

дончилик ва саришталикни, ишчи-хизматчилар ва мижозларга яратилган шарт-шароитни кўриб ҳаваси келад.

«Қувасойцемент» акционерлик жамияти божқаруви раиси вазифасини бажарувчи Усононали ақа Ортиқов ҳузурига кириб, газетга мақола тайёрлаш мудиоамизни айтди. У билан корхона истиқбол, ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш, божқару аппаратининг акциядорлар олдидаги масъулиятини ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги янги маҳсулотлар турларини қўлайтиришнинг аҳамияти хусусида суҳбатлашди.

(Давоми 3-бетда)

МУЛОҲАЗА

«Ҳеч символ ва унинг атроф-муҳитга эниг ҳақида ёзганимиз? — сўраб қолди қуларнинг бирида Наманган вилоят табииати ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Мадамин Ҳошимхўжаев.

«Йўқ, - дедим мен. Мадаминнинг тушунтиришича, у суоқ ҳолдаги энг оғир металл экан. Ута хавфли маъданлар орасида бирорта кимёвий элемент турмушда симобчалик кўп

СИМОБДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

қўлланмайди. Муътадил шароитда ҳам у муттасил буғланиб туради. Ҳидсиз, туссиз ва мазасиз ўша буғнинг ҳавога, инсон ва жонотлар аъзосига салбий таъсири радиацияниқидан кам эмас экан.

Шу суҳбатдан сўнг бу мавзу мени қизиқтириб қолди. Аввало, шифокорларнинг фикрини билгим келди. Радиолог врач Аҳам Сотиболдиевнинг айтишига қараганда, симоб билан заҳарланган одамнинг оғзида сўлак ажралиши тезлашади, тилга темирнинг таъми сезилаверади. Айниқса, симоб буғининг кўзга хатарли таъсири кўп кузатилади. Олий тоифали кўз шифокори Халима опа Икромова бир воқеани айтиб берди.

(Давоми 4-бетда)

ҚАДРЛАШНИНГ ҚИММАТИ

Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурхонов яратган образлар ҳамон кўз ўнгимизда. У кишининг умр йўлдоши, Тошкент давлат юридик институтининг собиқ катта ўқитувчиси Шакархон ая Шукур ака билан бирга яшаган давларини бизга (1998 йили) гапириб бергандилар.

«Шукур ака билан танишувимиз ҳеч ёдимдан қиммайди. Олийгоҳда ўқиётган кезларим бир йигит мени сўроқлаб келиб, узоқ суҳбатлашди. Аввалроқ эса «Алишер Навоий» фильмини суратга олаётган кездан олдинроқ сочлари

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

узун, ёй билан кийинадиган қизлардан илаб, ректоримизга мурожаат қилган экан. У ердагилар мени кўрсатишибди. Шундан сўнг режиссёр Я.Протазанов тажриба тариқасида фильмдаги Гули ролига мени таклиф қилди. Ушанда картинани суратга тушириш жараёнида Шукур акани бир неча марта кўрган эдим.

(Давоми 4-бетда)



«ҒАЛЛАБАНК» - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

ХИКМАТ

Билмай хато қилиб қўйган одамларга унча ғазаб тўқмаслик керак.

Софокл

КЕЛГУСИ СОНДА:

ҚОРА КЎЛАНКА

ЯРАШУВ - БАФРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

«ХЎКИЗ СОТСАНГ, ҚЎШНИНГГА СОТ...МА»

СИМОВДАН

(Боши 1-бетда)
-Уттиз беш ёшлардаги бир йигит шикоят билан келди, - дейди у, - Дарвоқе, у сизнинг ҳамкасбингиз эди. Дарров кўзининг кўриш қуватини ўлчамим, натижа нихоятда хайратланарли эди. Шу ҳолда унга камида +2,5 ўлчамли (55-60 ёшли кишиларга хос) кўзойнақ тавсия этишим керак. Аввал бирам ҳам кўзойнакка эҳтиёж бўлмаган одамнинг бирданга бу даражага тушиб қолиши ўттиз йиллик фаолиятимда мутлоқ учрамаган эди. У яна шуни ҳам айтиб қолдики, оиласида тагин икки киши кўздан қолмади. Ана шундан сўнг симоб буги ёдимга тушиб, суриштирдим. Тахминим тўғри чиқди, бемор ҳам дарҳол эслай қолди. Хонадонда кўр божилган, йиғиштирилган, тасодифан чўян печкага тушиб кетган харорат ўлчагич синган. Уша йигит озгина кунда тузалиб кетди, чунки симоб буги тугагандан сўнг унинг кўзга таъсири ҳам йўқолади.

ЭХТИЁТ БЎЛИНИ

Бу хулосани вилоят санитария-эпидемиология назорати марказининг бош врачси Мамазоли Тўрабеков ҳам тасдиқлаб, қуйидагиларни илова қилди:
-Симоб тўқилган хонани зарарсизлантириш учун зудлик билан тозалаш лозим. Бунинг учун олтингургут кукуни сеписла, ҳосил бўлган симоб-сульфид бирикмасини осонроқ супуриб олиш мумкин. Кейин пол ва палос-гиламлар марганцовка ёки темир-хлорид эритмаси билан ювилиши керак. Шунингдек, жойлардаги мутахассисларимизга мурожаат қилиш ҳам фойдаланган ҳоли бўлмайди. Симобдан захарланишда

беморни қайт қилдириш йўли билан ошқозонини тозалаш зарур. Унга сут ҳамда тухумнинг оқини истеъмол қилиш тавсия этилади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Таркибида симоб

босимини ўлчовчи тиббий асбоблар шулар жумласидандир. Битта лампада (ҳажмига қараб) 60 граммдан 120 граммгача симоб бўлади. Унинг синиши ёки қуйиб, яроқсиз ҳолга келиши билан минг квадрат метрдан зиёд майдоннинг ҳавоси захарланади. Қолаверса, симобни қўллаш қўлами тобора кенгаймоқда. Шуни ҳам айтиш ўринлики, дунё бўйича йилга 5 минг тонна симоб ишлаб чиқарилмоқда.

Боз устига бугунги симобли лампадан фойдаланилмайдиган жамоат биноси йўқ ҳисоби. Унинг вақти-вақти билан янгилаб турилиши ҳам табиийки, эскиси, қуйгани нима бўлади? Шифокорлар ўз тасарруфидоғи симобли асбоблардан қандай фойдаланишмоқда? Бу саволларга аниқ ва ижобий жавоб бериш қийин. Ваҳоланки, ана шундай жавоб бўлиши шарт. Сабобларини юқорида айтдик. Бинобарин, симоб бугунинг нихоятда хавфли эканини унутмаслик, бу хусусдаги қоидаларга риоя қилиш табиат ва инсон учун фақат фойдалидир.

Рустамжон УММАТОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Айни пайтда Қасби туманидаги Ф.Мусин номи болалар оромгоҳида 120 нафар бола ёзги таътилни кўнгилдагидаёқ ўтказмоқда. Оромгоҳни Алишер Навоий номи ширкат хўжалиги хомийликка олган. Ушбу масканда болаларнинг энг сеvimли машғулоти - шахмат-шашка каби спорт мусобақаларини ўтказиш аёнага айланган. СУРАТЛАРДА: оромгоҳда ёзги таътилни ўтказётган болалар ҳаётини давлалар. Б.АКРАМОВ олган суратлар.

SPORT O'LAMIDA

BOULINGCHILAR BAХСИ
Тошкент шаҳрида уч кун давом этган спортнинг боулинг тури бўйича Ўзбекистон чемпионоати беллашувлари нихоёсига етди.
Эркаклар ўртасидаги кескин, муросасиз ва қизиқарли кечган баҳсларда Сергей Салов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Игор Бондаренкога иккинчи ўрин nasib этди. Қизлар мусобақасида эса биринчи ва иккинчи ўринларга Елена Кузнецова ҳамда Лора Маллаевалар сазовор бўлишди.

ИСПАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ
Яна икки кундан сўнг Испаниянинг Барселона шаҳрида синхрон сузиш бўйича жаҳон чемпионоати мусобақалари бошланди.
Ушбу нуфузли турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Испанияга жўнаб кетишди. "Соғлом авлод учун" жамғармасида ана шу сафар олдидан уюштирилган тадбирда йиғилганлар спортчиларимизга муваффақият тилашди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ГЕРМАНИЯДА
Жорий йил ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионотига қизгин ҳозирлик қўраётган иккидорли мураббий Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари ўқув-машғулоти йиғинларини Европада давом эттиришга аҳд қилишди.
Кунни кеча Борисов шогирдлари Германияга жўнаб кетишди. Еш футболчиларимиз Дортмунд шаҳрида Германиянинг маҳаллий клублари билан учта ўртоқлик учрашувлари ўтказишди.

АШУРМАТОВ МОСКВАДА ҚОЛАДИМИ?
Ўзбекистон миллий терма жамоасининг моҳир ҳимоячиси, собиқ "Пахтакор"чи Бахтиёр Ашурматов номаъlum сабабларга қўра Владимир Казанский "Спартак Алания" клубини тарк этганили ишқибозларга маълум.
Яқиндагина "Пахтакор" ўринбосарлари билан бирга ўқув машғулоти йиғинларига қатнашиб юрган Бахтиёрга москвалик футбол мутахассисларининг назари тушди. Айни кунларда ҳамюртимиз Москванинг "Торпедо-Металлурж" жамоаси мураббийлиги назоратидан ўтмоқда. "Торпедо-Металлурж"нинг Спартак (Москва) ва "Ростов" билан ўтказган учрашувларида Ашурматов майдонда 90 дақиқа ҳаракат қилган. Дарвоқе, "Торпедо-Металлурж" мураббийлари "Пахтакор" аъзоси Леонид Кошелев билан ҳам қизиқишмоқда.

СОБИҚ "ПАХТАКОР"ЧИ АЛМАТИДА, МАХМУД ЭСА...
"Пахтакор" жамоасининг собиқ ярим ҳимоячиси, жорий мавсумда "Нефтчи" таркибида тўп сурган Мухтор Қурбонов омадини Қозғонистон жамоаларидан бирида синаб қўрмоқчи бўлди чоғи, Алматы шаҳрига йўл олди.
Матбуот нашрлари хабарига қўра, Мухтор Қозғонистоннинг етакчи жамоаларидан бири "Қайрат" таркибида ўқув машғулоти йиғинларига қатнашмоқда. Шунингдек, ўзбекистонлик яна бир футболчи Андрей Повалев эса Қозғонистоннинг "Тараз" клуби мураббийлари синаб новидан ўтмоқда. "Кимёгар" футболчиси, собиқ "Пахтакор"чи Махмуд Тўраҳужаев ҳам Москва-Ташкент йўригида "Торпедо-Металлурж" килиб борганди. Аммо мураббийлар имтиҳонидан ўта олмагани, ҳарқалай Махмуднинг омади чопмади. Энди у қаерда тўп сурар экан? Буни вақт кўрсатади.

ФИФА: ФОЗ ЎЗ АЖАЛИ БИЛАН ЎЛГАН
Конфедерациялар кубоғи ўйинларининг Камерун ва Колумбия терма жамоалари ўртасида кечган ярим финал учрашувида Камерун сардори Марк Вивьен Фоз майдонда тўсатдан йиқилиб, сўнграқ вафот этган эди.
Унинг ўлими сабабларини ўрганиб чиққан ФИФА ташкилоты ўзининг ақни ҳулосасини эълон қилди. Унга қўра, текширувлар чоғида Фоз қонидан на допинг, на гиеҳвандлик моддаси асорати топишган. Фоз ўз ажали билан, яъни юрак фаолиятининг тўхташи сабабли ҳаётдан кўз юмган.

АНРИ НОРОЗИ
"Арсенал" ҳужумчиси Тьерри Анри ўз жамоаси билан тузган янги 4 йиллик шартномасидан қоникмаганлигини маълум қилди.
Янги шартномага қўра Анри ҳафтасига 58 минг евро микдорига маош олиши керак эди. Аммо унинг яқин дўсти Патрик Виера "Арсенал" билан тузган янги шартномасига мувофиқ ҳафтасига 70 минг евро олиши керак. Ана шу омили Анрининг норози бўлишига сабабчи бўлди. Дарвоқе, "Челси" ҳужайини Роман Абрамович Анрига ага бўлиш учун "Арсенал"га 50 миллион фунт стерлинг таклиф қилиши ҳақида ҳам хабарлар тарқалди.

Имомали УЛФАТОВ тайёрланди.

ҚАДРЛАШНИНГ ҚИММАТИ

Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг Усмон Юсупов, Хамид Олимжон ва Зулфия опалар уйимизга Шукур академиядан совчи бўлиб келишди. Тақдиримиз туташ экан, тўйимиз бўлиб ўтди. Уша кезлари хонадонимизда Маъмуржон Узоқов, Жўрақон Султонов, Комилжон Отаниёзов каби санъаткорлар меҳмон бўлиб туришарди. Шукур ака меҳмонларни жуда қадрлардилар. Юмушро қўлайиб кетганда "Онаси, чарнамдингизми?" дея қўнглимини кўтариб, енг шимариб ишга киришиб кетардилар, меҳрибонлик кўрсатардилар. Бундай давларни асло унутиб бўлмайди. У киши мени ва фарзандларимни жуда авайлаб, эъозлардилар. Агарда оилада бирор муаммо пайдо бўлса, вазминлик билан маслаҳатлашиб ҳал қилишга одалган эдик. Ҳаётимдаги жуда қўн нарсаларни, турмуш қийинчиликларини енгиб яшаш, қатъиятли бўлиш, одамларнинг қадр-қимматини ўрнига қўйишни Шукур академиядан



Мухтор СУЛАЙМОНОВ
СУРАТДА: Шакархон ая Бурхонова Шукур ака ва қизи Шаҳноза билан.

Ровийлар айтадиларки, Хуросон вилоятида Шайх Чилий (рахматуллоҳи алайҳ) исмли тақводор киши яшаб ўтган экан. Ул зот ўзининг бутун умрини тоат-иבודатга, хайрли амалларга, кишиларга яхшилик қилишга бағишлади.
Бир кун шайх ўзича ўйлашиб қолди:

-Одам фарзандлари фақат гуноҳ ишлари туфайли Яратганнинг раҳматидан бебаҳра қоладилар. Алақоқибат жаҳаннамга дохил бўладилар. Бунинг барига Шайтонни лаяин сабабчи эди. Шу иблисини тўтиб олиш насиб этса, уни уша заҳоти бўғизлаб ташлар ва бутун бани башарини шайтон вассвасидан халос этган бўлар эдим.
У ана шу қарор билан йўлга тушди. Узоқ манзилларни босиб ўтди ва бир

Шайх бу гапга рози бўлди. Икки орада аёвсиз олишув бошланиб кетди. Узоқ давом этган кураш интиҳосида Шайх Чилий Шайтонни ерга қўлатиб, устига миниб олди ва шартта ханжарини қинидан суғурди:
-Тўхта, эй шайх, - деди хирллаб шайтон, - мени ўлдирганим билан ер юзиде фикр фўжур тугамайди. Демак, бундан фойда ҳам йўқ. Агар мени қўйиб юборсанг, сен бунда қатта фойда қўрасан. Ҳар қуни эрталаб турганимда ёстигинг остида юз динор пул турган бўлади. Умрининг қолганини роҳат-фароғатда кечирасан. Етти пултиг ҳам муҳтожлик кўрмайди.
Шайх Чилий узоқ ўйлашиб Шайтоннинг таклибига рози бўлди. Улимдан қутулган Шайтон, ўзида йўқ қувониб

қисиб, - бизни яна нечун йўқлаб қолдинг?
-Эй маккор, - деди шайх қаҳр билан, - сени аввалги учратганимдаёқ ўлдириб юбормаганимдан афсусдаман. Сен мени лақиллатиб ваъдангни буздинг. Яна сен билан олишгани келдим. Бу сафар ҳеч қандай шашқатга ўрин йўқ. Қани маълум, мард бўлсанг, майдонга чиқ!
-Майли, - дея рози бўлди шайтон, - сен шунинг истар экансан, начора!
Яна икки ўртада шиддатли олишув бошланди. Бу гал устига осонлик билан шайхни махв этди ва улосга миниб олди:
-Ха шайх, қалайсан энди. Жонингдан умидингни узавер. Шартга мувофиқ сени ўлдиримиз керак!
-Бир лаҳза шошма, - деди шайх, -

кўздан қўйиб бўлди.
Эрталаб уйқудан уйғонган шайх ёстиғи остида турган бир халтача тилланга қўриб қўзғалира ишонмади.
"Алдамабди, - ўйлади шайх ичига синаб, - ўлдирмай яхши қилибман. Энди пичоғим мой устида бўлади!"
Шу тахлит шайх Чилий ҳар тонгда ёстиғи остидан юз динордан пул олишга қўнқиб қолди. Қуллар ўтаверди. Бир қуни эрталаб, шайх не кўз билан

қўрсинки, ёстиғи остида ҳеч нарса йўқ. "Бугун ёдидан чиққандир, эртага икки барава қилиб келтириб қўяр".
Бирок эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам ёстиқ остидан ҳеч нарса чиқмади. Бундан газабланган шайх ана шайтонни қидириб топшига, бу гал ҳеч иккиланмасдан уни ўлдиршига қатъиян аҳд қилди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, худди олдинги сафар шайтон билан учрашган жойга етиб келди. Шу чоқ ердан қидими, осмондан тушди-ми, қария қиёфасидаги шайтон пайдо бўлди:
-Ха, шайх, - деди у айёрона кўз

Р И В О Я Т

Хар киши ўз нафсини мағлуб этар
Ўзини Тангри қошида махбуб этар.
Дарий тилидан
Рустам БЕК таржимаси

БИЛАСИЗМИ? "ЯШИЛ АЖДАР" ҲАМЛАСИ

Айтишларича, зулук ҳам очликдан сийласи қуриб ўлса ўларканки, тамаки чекувчи одамга "қиё боқмас" экан.
ХV асрда Христофор Колумб башариётга бир йўла ҳам Америка қитъасини ҳам каш а н д а л и қ кўсурини "тух-фа қилди". Маҳаллий ҳиндулардан андоза олиб дастлаб испан ва португал денгизчилари оғиздан тутун буркисита бошладилар. Бу "қўйўтал" сай-ёқларга ҳаваси келган фаранг элчиси Жан Нико уни Париж ахлига оммалаштира кетди ва шу воқеанинг шарафига тамаки захри "никотин", деб номланди. Хуллас, Оврупо-ни қисқа фурсатда "истило қилган" яшил



Бирок, инсониятга бу қакириқ асло қор қилмади. Англиялик ва эронлик ҳўкмдорлар, шифокорлар офаннинг олдини ололмай армонда кетдилар. Эндиликда осмонимиздаги булутнинг ярми (эҳтимол тўртдан биридир - бу ҳали ҳисоблаб чиқилмаган) тамаки тутунидан ҳосил бўлмоқда. Қашанданинг ўлкасини даволаётган шифокорнинг бир қўлида тамаки. Бу ҳолни танқид қилувчи қаламқашнинг қулдони эса "оқурка"га тўлиб-тошган...
Рустамжон УММАТОВ

КўНГИЛ ОВЛАНГАН КУН ТАБИАТ ВА БИЗ

Шариф полвон милликни ўқлаб, ўрдақларнинг яқинроқ келишини пойлаб турди.
Кўп ўтмай суқунати парчалаб ўқ овози узокларга ақс садо берди. "Тап" этиб ўн қадамча нарига тушган ўрдақ тумшуги қўмга қўйилиб қолди. Иккинчи ўқ ҳам эсе кетмади - қаттагина ўрдақ савз қўлмака тушди. Шу аллозда ана учта ўрдақ ер баърларди.

-Ма, Рўзимат, энди ўзинг оти - деди Шариф полвон. - Мен анави қўмга тушган ўрдақларни олиб чиқай.
-Ўн ута балиқ тутдим. Бўлади шу, кел ўтир, сен билан қўлдан учрашмадиқ. На ғанимат - дийдор ғанимат, - деди Рўзимат. Шариф полвоннинг сўзларига раддия билдиранкан.
Атрофда эндигина кириб келган қўлма нафаси фуради. У ер, бу ерда ниш ура бошлаган ўт-ўланлар қўзга ташланади.

-Табиат гўзал! - деди термосдан чоқ қўйиб хўплар экан Рўзимат. - Табиатда инсон учун не-не неъматлар ижод этмаган. Лекин биз уни асраб-авайлаш ўрнига билиб-билмай зиён-захмат етказамиз.

-Шундай жўра. Хивада не бир қўллар бор эди. Қўнчилиги йўқолди. Тўқайлар йўқолди. Олимлар ёзганини ўқиганман: табиатда маъвуд нимани бори нарса бўлса, ҳаммаси ўз ўрнида керак. Табиат мувоазанатини бузиб бўлмас экан. Мана бешта ўрдақ олдим. Сен ҳам ўн ўн балиқ тутиб қаноат қилгилсан. Аслида тўри айтдинг: сен билан мен ҳордиқ чиқариш учун овга келганмиз. Баъзи бир қаноатсиз қимсалар эса...

Шариф полвон совчи қолган чоқни кўп устига тўжиб ташлади-да, темир сарҳуми дастурхон четига тўнақир бир воқеа-

-Шунинг учун ҳам ҳалиги браконерга дақиқ бериб яхши қилибсан. Бунақаларни худо ҳам, қонун ҳам кечирмайди.
Улар "Победа" маркази эски машинага ўтириб қишлоқ томон йўл олишди. Жаҳоннинг бутун шодлиқлари жамланадиган бўлса, бири шокир, бири ҳайдовчи, полвон икки дўстининг дийдорига, шу бугунги дилдан суҳбатлашув дақиқаларига бергисиз эди. Ов яхши ўтганиди. Айниқса, улар бири-бирларининг қўнглини овлаганликларидан хурсанд эдилар...

Абдулла САФОЕВ, Хоразм вилояти.

"Қишлоқ ҳаёти" тахририяти "Еғмойтмақсанаот" уюшмаси бошқаруви раиси, Олий Махлис депутаты, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси Жамоатчилик кенгаши аъзоси Махаммаджон Худоброғова онаси

НАЗМИНСОҲОЖИ ОНАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Еғмойтмақсанаот" уюшмаси жамоаси уюшма бошқаруви раиси Махаммаджон Худоброғова волидан муҳтарамаси

НАЗМИНСОҲОЖИ ОНАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Бош муҳаррир
ЎТКИР
РАҲМАТ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Айтигай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фабур ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агротсаноат комплекси таркибидоғи ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Кабулхона - 136-58-83.
Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43.
Котибият - 136-56-30.
Ижодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.
Факс - 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қоракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17;
Анджон - 8-374-2-25-32-23; Бўхоро - 8-365-22-648-22;
Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56;
Наманган - 8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52;
Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50;
Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими
телефони:
133-44-43,
136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083,
Ташкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун бюуротмачи жавобгар
Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ